Президентнинг доимий эътиборидан гурурланиб олган интилаётган бу ёшлар мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида ҳам тобора фаоллик кўрсатаётганлар. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига янги сайланган депутатларнинг 11 нафарини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этаётгани бежиз эмас. Шулардан 9 нафари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари эканлиги, яна 8 нафари «Камолот»да шаклланиб, бугунги кунда турли соҳада фаолият кўрсатаётган йигит-қизлар эканлиги оталарча ғамхўрликнинг шарофати эмасми?! Ана шу ёшлар каби улардан кейинги авлод ҳам бундай юксак эътиборнинг давом этишини истайди.

Шунинг учун ҳам мен 6 миллиондан ошқ ёшларни бирлаштирган ташкилот вакили сифатида Ислом Каримов номзодини кўрсатиш тўғрисидаги тақлифни қўллаб-қувватлайман.

ҲУДУДЛАРДА

Бир кам тўқсондаги ҳавас

Уруш йиллари эди. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, фронтга жўнатишларини сўраб ариза ёзганимда «Сендек йигитлар фронт ортида ҳам керак», деб мени туманимизнинг чекка қишлоқларидан бирига ўқитувчи қилиб жўнатишди. Кейинчалик институтда сиртдан ўқидим. Шу тарика қирқ беш йил ёш авлодга таълим-тарбия бердим. Гапнинг очиги, илгариги мактабларни мактаб дейишга ҳам тил бормасди. Бинолар эски, қаровсиз, ўқув қуроллари ва дарсликлар йўқ ҳисоби. Йўл узоқ, транспорт танқислиги сабаб 40-50 километр масофани гоҳида пойи-пиёда босиб, уйга 2-3 ойда бир маротаба амаллаб келардик

Тошназар **КАРИМОВ**, «Шуҳрат» медали соҳиби

Турмуш ўртоғим Аминахон билан тўрт ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга етказдик. Айни кунда мамлакатимизда кексаларга кўрсатилаётган беминнат ғамхўрликлардан бахраманд бўлиб, ўғил-қиз, нева-ра, эваралар қуршовида фаровон ҳаёт кечиряпмиз.

Ёшим бир кам тўқсонда. Ҳозир ҳам мактабларга бориб тураман. Бугунги мактаблар билан мен ишлаган даврдигиси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Айниқса, мустақиллик йилларида ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар, чекка-чекка қишлоқларда бунёд этилаётган мактаб, лицей ва коллежларни кўрганимда қалбим ғурурга тўлади. Фарзандларимизнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун қурилган, бири-биридан гўзал иншоотлар, гимнастика заллари кўзни қувонтиради. Кенг, ёруғ синф хоналари, интернет тармоғига уланган кутубхоналар ҳавасимни келтиради. Қани энди ёш бўлсаму мен ҳам ана шундай кошоналарда ишласам, деган фикр кечади хаёлимдан.

Озод ва обод юртимнинг бир бўлаги — Нуротада истиқлол йилларида амалга оширилган кўламли бунёдкорлик юмушлари, айниқса, шахримиз фаҳри бўлган «Чашма» тарихий меъморий ёдгорлиги мажмуининг буткул қайта қурилгани, унинг ёнида 15 гектарлик сўлим ва кўркам боғ барпо этилгани ҳар куну бу ерга ташриф буюраётган минг-миглаб зиёратчиларни хушнуд этмоқда.

Устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромчи?! Ижтимоий соҳа вакиллари қаторида ўқитувчиларга ўзлари яшаб турган уй-жойларнинг бепул хусусийлаштириб берилгани, ойлик маошлари босқичма-босқич ошириб борилаётгани, касб байрами муносабати билан улар меҳнати катта-катта давлат мукофотларига лойиқ кўрилаётгани — буларнинг ҳаммаси жаннатмонанд Ўзбекистонимиз келажақда албатта дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга хизмат қилади, албатта.

Бу фикрларни ишонч билан айтишимнинг яна бир сабаби бор. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов юртимиз аҳолисига йўнлаган янги йил табригида Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган, янги — 2015 йилда мамлакат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилиши, иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг 22 фоизгача кўпайтирилишини таъкидлаган эканлар, демакки, ҳалқимиз катта орзу ва истаклар билан қарши олган янги йилда биз — нуронийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар қаторида, юрт келажаги бўлган ёшларнинг, нурийдидаларимизнинг комил инсон қилиб тарбиялашга эътибор ҳам ҳар қачонгидан-да бисёр бўлади.

Фарзандлар камоли, кексалар эъзозини ўйлаб жон куйдираётган Юртбошимиз омон бўлсин. Ўзини, ўзлигини кўрсатаётган мустақил Ўзбекистонимизни ёмон кўзлардан, бало-офатлардан Яратганнинг ўзи асрасин.



Юксалишнинг залворли одимлари

Тўйтепа шахридаги «TEXTILE MILL TASHKENT» кўша корхонаси пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мазкур корхонада 45 нафардан зиёд турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Жамoa аъзолари тайёрлаган сифатли ва чидамли маҳсулотлар Германия, Россия, Сингапур ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда. Пайпоқ тўқиш ускуналари ҳам хориждан келтирилган бўлиб, етарли малака ва кўникмага эга бўлган операторлар ҳозирда уларни бемалол бошқаришмоқда. Шоира Туропова, Гулжаҳон Ғозиқулова сингари қизлар касб-хунар коллежини тугаллаб, ўз мутахассислиги бўйича самарали фаолият кўрсатишяпти. Бир дастгоҳда йнгирилган ип иккинчисида пайпоқ бўлиб тўқилмоқда.

Кўша корхонанинг ишлаб чиқариш масалалари бўйича директори Ҳасанжон Ҳошимов шундай дейди:

— Ҳозирда ойга 500 минг жуфт пайпоқ тайёрланмоқда. Келажақда бу кўрсаткичи 1000 минг жуфдтан ошириб, иш ўринларини кўпайтириш ниятидамиз. Бунинг учун кредит ҳисобига қўшимча қурилиш ишлари амалга ошириляпти. Корхона қошида замонавий ошхона, кийиниш хонаси барпо этиш режлаштирилган.

Дарҳақиқат, кўша корхона жадал суръатларда ривожланмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган хотин-қизларга етарли шароит яратилгани, илгорларнинг ҳар томонлама рағбатлантирилиши, эҳтиёмманд ишчиларга баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатилиши режаларнинг ортиги билан бажарилишини таъминламоқда. Тўқув чеҳи бошлиги Нигора Маматқулова, лаборант-назоратчи Ҳилола Азимова, оператор Дилдора Бобоева кабилар самарали меҳнати билан корхонанинг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

«TEXTILE MILL TASHKENT»нинг маҳсулотлари харидорғир экан, унинг юксалиш сари ташлаётган одимлари ҳам залворли бўлаверади.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ.

Маҳаллий кенгашларда О`zLiDeP депутатлик гуруҳлари ташкил этилди

2014 йлнинг 21 декабрида бўлиб ўтган сайловда юртдошларимиз нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, балки халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзод этиб кўрсатилганларга ҳам овоз бердилар.

Эътиборлиси, маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, юқори савияда ташкил этилган сиёсий жараён яқунларига кўра, вилоят кенгашлари депутатлигига О`zLiDePдан 305 нафар, туман ва шаҳар вакиллик органларига эса 1805 нафар депутат сайланди. Шу ўринда ўтган ҳафтада маҳаллий кенгашларда О`zLiDeP депутатлик гуруҳлари ташкил этилганини айтиб ўтиш лозим

ҚАШҚАДАРЁ. О`zLiDeP вилоят кенгашининг халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳини шакллантириш ҳамда унинг раҳбарини сайлаш масалаларига бағишланган йиғилишида ниҳоясига етган муҳим сиёсий тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган демократик қоида ва принципларга мос ҳолда ўтганлиги эътироф этилди.

Сўзга чиққанлар истиқлол туфайли вужудга келган мулкдорлар қатлами манфаатини ҳимоя қилаётган О`zLiDeP ўтган давр мобайнида дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга самарали татбиқ этиши учун қулай шароит яратилгани боис ўз электорати ишончини қозонишга муваффақ бўлганини таъкидлашди. Қашқадарё вилоятида О`zLiDePдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 3 нафар, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига 20 нафар, туман ва шаҳар кенгашларига 132 нафар депутат сайлангани ҳам ана шу ишончининг натижасидир.

Йиғилишда Қарши давлат университети проректори Лутфулла Ёзиев О`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

СУРХОНДАРЁ. Термиздаги «Тадбиркорлар маркази»да О`zLiDePдан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашига сайланган депутатларнинг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашла-

НАВОИЙ. О`zLiDeP вилоят кенгашининг халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳини таъсис этишга бағишланган йиғилишида ўтган қақриқда депутатлик мандатини қўлга киритган маслақдошларимиз томонидан каттагина амалий ишлар қилингани, давлат ҳоқимияти мутасаддиларининг ҳисоботларини эшитиш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда мавжуд камчилик ва муаммолар ечимига қаратилган депутатлик сўровлари туфайли сайловчиларнинг талаб-истакларини

БУХОРО. Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашига партиямиздан сайланган депутатларнинг дастлабки йиғилишини О`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Фармон Аминов олиб борди.

Унда халқ депутатлари вилоят кенгашида партия депутатлик гуруҳини таъсис этиш масаласи кўриб чиқилди. О`zLiDePдан халқ депутатлари вилоят кенгашига 20 нафар депутат сайлангани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ партия сиёсатини ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида О`zLiDeP депутатлик гуруҳи ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар О`zLiDeP депутатлик гуруҳи саъй-ҳаракати билан ўтган даврда вилоят кенгаши сессияларида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, айниқса, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир қатор долзарб масалалар муҳокама этилганлигини тилга олдилар.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. 6-Баҳор сайлов округидан сайланган депутат Фармон Аминов халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

ХОРАЗМ. Урганч шахрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашига сайланган депутатлар таъсис йиғилиши ўтказилди.

О`zLiDePдан халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши-

ЖИЗЗАХ. О`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган йиғилишда 2014 йил 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда халқ депутатлари вилоят кенгашига партиямиздан 25 нафар, «Миллий тикланиш» ДПдан 14, ХДПдан 12 нафар ва «Адолат» СДПдан эса 6 нафар депутат сайлангани таъкидланди.

Ўз навбатида сиёсий партияларнинг депутатлик гу-

БИРГИНА НАМАНГАННИНГ ЎЗИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИНГАН 30 НАФАР ДЕПУТАТНИНГ 17 НАФАРИ АЙНАН О`ZLIDEP АЪЗОЛАРИ ЭКАНЛИГИ ЭЪТИБОРГА МОЛИК

АНДИЖОН. Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлари гуруҳининг таъсис йиғилишини О`zLiDeP Андижон вилояти кенгаши раиси Т. Мадумаров олиб борди. Унда 2014 йил 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов яқунларига кўра вилоят кенгашига О`zLiDeP номзодлари орасидан 19 нафар депутат сайлангани, шу тарика беш йил аввалги кўрсаткич 5 нафарга яхшилангани, ўз навбатида, туман кенгашларига сайланган депутатларнинг 80 нафари, шаҳар кенгашлари ноибларининг 23 нафари либераллар экани айтиб ўтилди.

Шундан сўнг бўлиб ўтган мунозаралар давомида сўзга чиққан Андижон қишлоқ хўжалиги институти ректори З.Жумабоев, «Олтинқўлнинг олтин жилоси» фермер хўжалиги раҳбари А.Абдуллаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтган сайлов миллий қонунчилик талаблари, очиқлик, ошкоралик ва кўппартиявийлик каби демократик принципларга тўла мос равишда ўтказилгани, ўз навбатида, мамлакатимизда ташкил этилган сайлов бошқа давлатларга намуна бўла оладиган даражадаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида эътироф этилганини айтиб ўтдилар.

Мунозаралар сўнггида халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган 19 нафар депутатдан иборат партия депутатлик гуруҳини тузиш масаласи овозга қўйилди ва таъқулланди.

41-Ўзбекистон сайлов округидан сайланган депутат Толибжон Мадумаров мазкур гуруҳ раҳбари этиб сайланди.

САМАРҚАНД. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашига сайланган партия депутатлик гуруҳининг таъсис йиғилишида вилоят кенгашига О`zLiDePдан 25 нафар депутат сайлангани маълум қилинди. Шу тарика партияямиз, бундан беш йил аввал бўлганидек, сон жиҳатдан бошқа сиёсий кучлардан устунликка эга бўлди. Бинобарин, ХДПдан 14 нафар, «Миллий тикланиш» ДПдан 12, «Адолат» СДПдан эса 9 нафар депутат сайланди. Ўз навбатида, 2014 йилги сайлов натижаларига кўра, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари таркибида либераллар сони 171 нафарга етган бўлса, бу кўрсаткичлар ХДПда 98 нафар, «Миллий тикланиш» ДПда 95, «Адолат» СДПда эса 92 нафарни ташкил этди.

Йиғилишда вилоят Фермерлар кенгаши раиси Аваз Ҳосилов О`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

тия электорати ва халқ манфаатлари йўлида сиёсий фаолликни янада оширишни тақозо этади.
Йиғилишда Термиз шаҳридаги 12-меҳрибонлик уйи директори Дилбар Сувонова халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

лича фикр яритилган йиғилишда депутатлик гуруҳини таъсис этиш ва унинг раҳбари вазифасига вилоят Фермерлар кенгаши раиси Исомиддин Ўроқовни сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, партиянинг ғоявий мақсадларини кенг жамоатчиликка етказиш, электоратнинг амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштироки ва белгиланган дастурлар ижросини таъминлаш борасида депутатлик гуруҳи олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

ТОШКЕНТ. О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси анжуманлар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига О`zLiDePдан сайланган депутатларнинг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосарлари Д.Шоумаров ва М.Акрамова иштирок этган йиғилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги 60 та ўриннинг 19 таси О`zLiDeP номзодлари томонидан эгаллангани таъкидланди.

Партия шаҳар кенгаши раиси Тўрабек Назаров халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги О`zLiDePнинг депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

Йиғилишда, шунингдек, депутатлик гуруҳи томонидан 2015 йилда амалга ошириладиган вазифалар белгиланиб олинди.

руҳи раҳбарини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан О`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б.Менглиев сўзга чиқиб, бу вазифага Урганч давлат университети профессори Б.Рўзметовни сайлаш таклифини киритди. Мунозаралардан сўнг унинг номзоди маъқулланди.

бўлган масалалар юзасидан сўровлар билан мурожаат этиш, доимий комиссиялар раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритишдаги аҳамияти таътироф этилди.
Йиғилиш якунида Жиззах вилояти Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси Эркин Холматов О`zLiDeP депутатлик гуруҳининг раҳбари этиб сайланди.

НАМАНГАН. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтган сайлов Наманган вилоятида ҳам демократик тамойиллар асосида шаффофлик, ошкоралик руҳида ўтди.

О`zLiDeP вилоят кенгашининг Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлими мудири Орифжон Маҳмудовнинг таъкидлашича, бу йилги сайловда 2009 йилдагига қараганда партиямиздан кўрсатилган номзодлар учун овоз берганлар сони сезиларли даражада ўсган.

— Беш йил аввал Мингбулоқ, Уйчи ва Тўрақўрғонда халқ депутатлари туман кенгашларига 3 нафардан О`zLiDeP вакили сайланган бўлса, — дейди О.Маҳмудов, — бу гал ана шу туманларда жами 33 нафар О`zLiDeP номзоди энг кўп овоз олиб, ғойбликни қўлга киритди.

Қайд этиш жоиз: 2009 йилги сайловда парламент куйи палатасига О`zLiDePдан 2 нафар, халқ депутатлари вилоят кенгашига 20 нафар (ЎзХДПдан 30, «Адолат» СДПдан 4, «Миллий тикланиш» ДПдан 8 нафар), туман ва шаҳар кенгашларига 96 нафар депутат сайланган бўлса, энди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, вилоят кенгашига 22, (ЎзХДПдан 21, «Адолат» СДПдан 9, «Миллий тикланиш» ДПдан 8), туман ва шаҳар кенгашларига 153 нафар О`zLiDeP номзодлари сайланди. Биргина Наманган шаҳрининг ўзида халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати этиб рўйхатга олинган 30 нафар депутатнинг 17 нафари айнан О`zLiDeP аъзолари эканлиги ҳам эътиборга молик. Шунингдек, халқ депутатлари туман кенгашларида бир йўла 3 та туман — Норин, Тўрақўрғон, Янгиқўрғонда 13 нафардан О`zLiDeP депутати сайловчилар ишончини қо-

зонди.

— Юқори натижага осонликча эришилгани йўқ, — дейди партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаев. — Бу номзодларнинг сайловолди таригот-ташвиқот тадбирлари юксак савияда ташкил этилганлигининг самарасидир. Қолаверса, сайловдан сайловгача ўтган вақт оралиғида партия дастурида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг бор имкониятларни ишга солган ҳолда бажарилиши муҳим омил бўлди. Ана шу давр мобайнида жойларда 2300 дан ортқк партиявий тадбир ўтказилди. Маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари вакиллари томонидан сайловчиларнинг мурожаатлари асосида тегишли ташкилот ва идораларга 2850 та сўров юборилди. Уларнинг 80 фоизидан ортиги ижобий ечимини топди. Сўнгги 5 йил мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлардаги О`zLiDeP депутатлари ёрдамида вилоятимизда тадбирқору фермерларга жами 6 млрд. 800 млн. сўм миқдорида банк кредитлари ажратилишига кўмаклашилди. Натижада 3 мингта янги иш ўрни яратилди. Шу каби ижобий ишлар ўз самарасини бериб, аҳоли ўртасида партияга бўлган ишонч кун сайин ортиб бораепти.

Куни кеча О`zLiDePдан халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган депутатларнинг таъсис йиғилиши ўтказилди. Унда кун тартибидаги масалалар атрофида муҳокама қилинди. 14-Хўжанд сайлов округидан сайланган депутат Муҳаммаджон Усмонов халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

«XXI ASR» 03 (583)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Таянч бўғинлар раисларига ишонч юқори

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловда Когон тумани бўйича О'zLiDePдан халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашига 1 нафар, туман кенгашига эса 9 нафар депутат сайланди. Шуниси диққатга сазоворки, сайланган депутатлардан 6 нафари бир неча йил давомида бошланғич партия ташкилотларининг раиси сифатида фаолият юритган

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

Чунончи, «Нурафшон» ҚФЙ ҳудудида ташкил этилган партия куйи бўғинига Олия Ачилдиева етакчилик қилаётди. У 18-Чўкати сайлов округидан туман кенгаши депутатлигига сайланди. Туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси сифатида ҳам фаолият юритаётган сергайрат, ташаббускор аёлнинг сайловолди дастуридан аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, жойларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар ўрин олганлиги эътиборга молик.

— Туманимиздаги «Хўжа Яқшаба» ҚФЙ ва Тулироқ МФЙда истиқомат қилувчилар учун ичимлик суви ва газ таъминотини яхшилаш керак, — дейди у. — Ўз дастурида ана шу каби муаммоларни четлаб ўтганим йўқ. Қолаверса аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш, молия муассасаларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ҳиссасини янада ошириш бундан кейин ҳам фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу ўринда тумандаги сайловчилар БПТ раҳбарларига катта ишонч билдиришгани бежиз эмаслигини таъкидлаш лозим. Зеро, партиямиз электорати ҳамда аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан юзма-юз иш олиб боровчи куйи бўғинлар фаолларининг кўплаб амалий ишлари эл-юрт эътиборига тушди. Чунончи, О.Ачилдиева бошчилигидаги БПТ аъзолари — Мавжуда Сафарова, Бурхон Рўзиев, Гуландом Маърупова, Мавжуда Ёриеваниннг сайё-ҳаракатлари билан ўтган йили тумандаги маиший хизмат ҳамда қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари битирувчи ёшларидан 5 нафарига «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Миллий банк»нинг туман бўлиmlаридан жами 19 миллион сўмлик кредит ажратилиб, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кўмак берилди.

Бошқа таянч тузилмалар ҳам бир қанча хайрли ишларни бажариб, О'zLiDeP нуфузини оширишга сезиларли ҳисса қўшдилар. Туман бўйича 80 нафарга яқин аёл доимий иш билан таъминлангани, бугунги кунда улар «Когонтекс» ва «Нурафшонтекс», туман тиббиёт бирлашмаси ва «Иссиқ нон» сингари ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилишаётгани, «Туткунда» МФЙ қишида ташкил этилган иссиқхонада эса 60 дан



зиёд киши ишга жойлаштирилгани фикримиз далилидир. Кенг йўлга қўйилган тарғибот ишлари натижасида 5-қишлоқ кўчма механизациялашган жамламаси, автомобильларга ёқилги қўйиш шохобчаси, ўнлаб тадбиркорлар ҳомий сифатида истеъдодли ёшларни, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганлар.

Депутатларнинг сайловолди дастурида таъкидланганидек, келгусида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга янада жиддийроқ аҳамият берилади. Мазкур ваъдалар айтилган жойида қолиб кетмаслигига ишончимиз комил. Чунки партия вакиллари бу борада етарли тажриба туплашган. Жумладан, 2014 йилда аҳолидан куйи ва юқори партия тузилмаларига тушган турли мазмундаги 1200 та мурожаатнинг 1050 таси ижобий ҳал этилди.

— Бугунги кунда туманимизда истиқомат қилаётган 67600 нафар фуқаронинг 32310 нафарини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди О.Ачилдиева. — Улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, айниқса, тадбиркор аёллар сафини кенгайтириш асосий вазифаларимиздан. Халқ депутатлари туман кенгашининг янги таркибдаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи партия туман кенгаши, жойлардаги БПТлар,

шунингдек, тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудуддаги мавжуд муаммолар ечимини излаб топиш, долзарб вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида уларни халқ депутатлари туман кенгаши сессиялари кун тартибига киритишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Бунда депутатлик сўрови ва депутатлик назорати сингари иш амалиётидан кенг фойдаланилиш кўзда тутилмоқда.

Абдулазиз Равшанов «Парравшан-транс» МЧЖ раҳбари, айни пайтда ушбу корхонадаги БПТ етакчиси сифатида туманда ўзига хос обрў-эътибор қозонган. У 2-Нийёзожи сайлов округидан халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайланди. Таянч нуқтаси томонидан партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишда ижобий натижаларга эришилаётганлиги туфайли либерал-демократик ғоялар тарафдорлари тобора кўпаймоқда. Туман кенгаши депутатининг сайловолди дастурида қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни доимий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ тақлифлар илгари сурилган.

«Парравшан-транс»даги БПТ аъзоларидан Бону Шониезова, Зарнигор Ботирова, Азиз Равшанов, Гулсара Сувонова ўтган давр ичида кўпгина хайрли ишларга бош-қош бўлдилар. Масалан, Когон қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежининг бир гуруҳ битирувчилари учун «Миллий банк»нинг туман бўлиmidан ажратилган 8 миллион сўм кредит тадбиркорликни бошлаш арафасида турган йигит-қизлар учун айна муддао бўлди. О'zLiDeP вакиллари сайё-ҳаракати ва ҳомийлар кўмағида туман марказидаги мактаб-интернатнинг ички сув тизими муаммолар депутат эътиборида бўлди.

— Ҳудудимизда таъмирталаб йўллар бор, — дейди депутат ва БПТ раиси Абдулазиз Равшанов. — Мелиорация тизимини яхшилаш ҳам кун тартибидеги долзарб масалалардан бири. Шу каби муаммолар депутат эътиборида фаолларимиздан зиммаларидаги бурчга алоҳида масъулият билан ёндашишни тақозо этаётди. Депутат сифатидаги мақсад ва интилишим эса ягона, яъни сиёсий кампанияда бизга юксак ишонч билдирган сайловчилар манфаатлари йўлида астойдил иш олиб боришдир.

Экспедицияда ҳам БПТимиз бор

Термиз шаҳридаги «Аму-Сурхон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология-мелиорация экспедицияси ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорликни оширишда фермерларга яқиндан кўмакдош бўлмоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Бунинг натижасида ер ости сизот сувлари сатҳининг пасайишига эришиб, шўрланган экин майдонларининг унумдорлиги қайта тикланмоқда. Бу каби ютуқларни қўлга киритишда экспедицияда фаолият юритаётган О'zLiDeP бошланғич ташкилоти аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Партиямиз электорати бўлган фермерлар қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиши учун зарур шароитларни яратишда фаол иштирок этаямиз, — дейди БПТ етакчиси Шавкат Асомидинов. — Ташкилотимиз ўз сафига 20 нафар аъзони бирлаштирган. Шуни ҳам қайд этиш зарурки, парламенти-

миз куйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайлов олдида биз ўзаро келишиб, муҳим сиёсий жараёндаги вазифаларимизни белгилаб олдик. Шунга мувофиқ сайлов арафасида тарғибот ишларига эътиборни кучайтирдик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодларга ишончли вакил, партия қўзғатувчиси, ваколатли вакил сифатида фаолият юритдик. Шу тариқа партиямизнинг энг юқори ўринларни эгаллашига камтарона бўлса-да, улуш қўшдик. Айни пайтда фаолларимиз БПТ сафини билимли ва ташаббускор аъзолар ҳисобига янада кенгайтириш юзасидан тарғибот ишларини кучайтиришмоқда. Бундай тадбирлар эса куйи бўғин фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

М.НУРМАНОВ.

Нуронийлар — фаҳримиз

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси Андижон вилояти бўлимидаги О'zLiDeP бошланғич ташкилоти фаоллари жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан шу мавзуда давра суҳбати ўтказдилар. Партия вилоят кенгаши ҳодимлари, куйи бўғинлар етакчилари ва тадбиркорлар иштирок этган тадбирда давлатимиз раҳбарининг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

— Ваколатларимиз доирасида иш юритиб, мўътабар отахон ва онахонларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш каби хайрли ишларга мутасаддиларни жалб қилишимиз, ўзимиз ҳам бу борада бошқаларга ўрнак бўлишимиз лозим, — дейди БПТ етакчиси Элёрбек Нийёзов.

Мулоқот давомида таянч тузилма томонидан мазкур йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар режаси йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди ва билдирилган тақлифлар асосида янада такомиллаштирилди. З.РАҲМОНОВА.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

Китоблар жонсиз, аммо содиқ дўстлардир. Виктор ГЮГО.

Китоб ўқишдан кўра арзон кўнгилхушлик, айни пайтда узоқ давом этувчи ором бўлмаса керак. МОНТЕГЮ.

Ҳамма нарсани ўқийвериш ярамайди, дилда туғилган саволларга жавоб бера оладиган китобларнигина ўқиш керак. Лев ТОЛСТОЙ.

Ўқинг ва ўрганинг. Жиддий китобларни ўқинг. Қолганини ҳаётнинг ўзи тушунтириб беради. Ф.ДОСТОЕВСКИЙ.

Худди ярамас ошналар сингари бўлмағур китоблар ҳам бизни йўлдан уриши мумкин. ФИЛДИНГ.

Маслакдош шифокорлар интилиши

Миришкор тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги кўп тармоқли поликлиникада иш юритаётган О'zLiDeP бошланғич ташкилотининг 15 нафар аъзоси бор. Нафосат Жўраева етакчилигидаги мазкур куйи бўғиннинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Яқинда БПТ сафи 3 нафар ходим ҳисобига янада кенгайди

— О'zLiDeP вакили амалга оширилаётган испохотлар муваффақияти учун масъул эканлигини чуқур ҳис этиши керак, — дейди партия Қашқадарё вилоят кенгашининг БПТлар билан ишлаш бўйича консультанти Шахнозахон Муродова. — Биз тилга олаётган етакчи катта-кичик тадбирларда сўзга чиқиб, ғояларимиз оммалашувига ҳисса қўшяпти. Чунончи, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, хотин-қизларни спорт тўғрисидаги кампанияда жалб этиш, касаначилик орқали бандликни таъминлаш борасидаги долзарб тақлифларни ўртага ташлайди. Ўтган йили БПТ фаоллари қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли билан бевосита мулоқотга киришиб, кўрсатилаётган тиббий хизматни янада замонавийлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётган испохотларнинг устувор йўналишлари бўйича тарғибот ишларини олиб боришди.

Ш.Муродованиннг сўзларига мисол тарикасида шуни



айтиш мумкинки, яқинда Миришкор ва Жейнов қишлоқларида бошланғич ташкилот ташаббуси билан ўтказилган йиғилишларда Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида халқ саломатлигини мустаҳкамлаш борасида эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритилиб, Соғлом бола йили давомида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш, болалар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, шифохоналарни зарур асбоб-ускуна ва технологиялар билан таъминлаш бўйича бажарилаётган кенг қўламли ишлар алоҳида таъкидланди. Яқинда партия таянч нуқтасининг йиғилиши ўтказилди. Унда ўтган йилдаги ютуқ ва камчиликлар муҳожама этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. С.АКРОМОВ.



Биз — XXI асрда яшаймиз!
Биз — XXI асрда ишлаймиз!
Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?

Нашр индекси: 406
Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80.

ЖАРАЁН

Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тадбиркорлик соҳасига қизиқшини кучайтириш, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш O'zLiDeP дастурий гоёлари ва амалий фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

Шу боис партиянинг Ёшлар билан ишлаш бўлими «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...» каби бир қатор лойиҳалар асосида навқирон авлод вакилларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

— Айни пайтда ҳудудда партия-миз аъзолари 13102 нафар бўлиб, уларнинг 53 фоизини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади, — дейди O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудир Муҳаббат Ахназарова. — Улар орасида партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ этиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган акциялар ва учрашувлар ташкил қиляпти. Жумладан, 2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ишбилармон талаба» лойиҳаси 2014 йили ҳам барча шаҳар ва туманларимизда жуда қизгин руҳда ўтди. Дастлабки беллашувларда ғолибликни қўлга киритган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 40 нафари ўқувчиси Қорақалпоғистон Республикаси босқичида иштирок этишди. Унда Нукус ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ўқувчиси Гўзал Жалғасова ва каштачилик йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллади.

— Тенгдошларим қатори партия лойиҳасида қатнашиб, ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман, — дейди Гўзал. — Болалигимдан каштачиликка бўлган қизиқишим боис ана шундай муваффақиятга эришдим. Бизга шундай шароит яратиб берилганидан мамнунман. Қорақалпоқ миллий нашлашларини ноанъанавий тарзда тўқиш, халқимизнинг ардоқли шоиру адибларининг портретларини яратиб энг сеvimли машғулотимдир.

Ёшларнинг тадбиркорлик фао-

лиятига интилишини қўллаб-қувватлаш, уларни мустақил бизнес юриштишга жалб этиш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида фаол қатнашиб, ғолибликни қўлга киритган 40 нафар коллеж битирувчисига банклар томонидан имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Шуниси диққатга сазоворки, ёшларнинг партия лойиҳаларига бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Энг муҳими, улар томонидан тайёрланган бизнес лойиҳалар ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бундан-да эътиборлиси, иштирокчиларнинг 13 нафари банклардан 43 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборишди.

— Менинг лойиҳам маъқул топилгач, имтиёзли кредит эвазига тикувчилик цехини очдим, — дейди Қонлиқўл саноат-транспорт касб-хунар коллежи битирувчиси Санобар Акимбаева. — Келажакда «Микрокредитбанк»нинг фаол мижозларидан бирига айланиб, тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ниятидаман.

Ўрни келганда, Ёшлар билан ишлаш бўлимининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда ҳам фаол иштирок этганини таъкидлаш лозим. Хусусан, «Соғлом бола — мустаҳкам оила таянчи», «Жисмонан соғлом ва маънавий етуқ, эркин фикрлайдиган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни», «Жисмонан ва маънан соғлом авлод — мустақил юрт келажак» каби мавзуларда ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислохотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшилмоқда.

Умуман олганда, партия ҳудудий ташкилотлари томонидан жойларда ўтказилаётган тадбирлар йигит-қизларимиз фаоллигини ҳар жиҳатдан оширишга хизмат қилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қо-



нунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларига бўлиб ўтган сайловда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 30 минг нафарга яқин ёшлар фаол қатнашиб, биринчи марта фуқаролик бурчларини адо этдилар. Сайлов арафасида бевоесита Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан 18 та тўлган ва сайловда биринчи марта овоз берувчи йигит-қизларга сайловнинг аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, жойларда тарғиб-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида «Биз сайловга тайёرمىз», «Менинг биринчи овозим», «Менинг биринчи сайловим», «Депутат ва ёшлар», «Қонунчилик ва ёшлар» каби мавзуларда очиқ мулоқотлар ўтказилди.

— Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқадиган партиявий вазифаларни амалга ошириш, ёшларни мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига кенг жалб қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш мақсадида бир қатор мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ўтказиладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқдик, — дейди Муҳаббат Ахназарова. — Мақсадимиз навқирон авлод вакилларидан Кесаларни эъзозлаш йиллида азалий кадрларимиз ҳисобланган ёши улуғларни ардоқлаш, уларга ҳамisha иззат-ҳурмат кўрсатиш сингари фазилатларни янада бойитишга муносиб ҳисса қўшишдир.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспорт салоҳияти юксалмоқда

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси 2014 йилги фаолиятини сарҳисоб қилди

Шаҳзод НАЗАРОВ,
«XXI asr»

Бугунги кунда экспорт қилувчи корхоналарнинг доимий қўллаб-қувватланаётганлиги, уларнинг барқарор ишлаши учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дарвоқе, кейинги йилларда мамлакатимиздаги тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, жорий ва истиқболдаги конъюнктуранинг ўрганиш юзасидан ташқи бозорларда тадқиқотлар ўтказиш, юртимиз ишлаб чиқарувчиларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда жамғарманинг роли кучайиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан жамғарма ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилувчи шарт-шароитлар белгиланган. Унга кўра, жамғарма 2019 йилнинг 1 январига қадар ягона ижтимоий тўлов, бошқа барча турдаги солиқ ва божжона тўловларидан озод қилинган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эса, товарлар ва хизматларни олдиндан ҳақ тўламасдан, аккредитив

очмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлмоқдалар.

Йил якунига бағишланган тадбирда 2014 йил жамғарма фаолияти учун самарали кечганлиги таъкидланди. Хусусан, ушбу ташкилот томонидан 2400 га яқин тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизмат кўрсатилди. Натижада умумий қиймати 1,25 млрд. АҚШ долларига тенг миқдорда экспорт шартномалари тузилиб, 699 та тадбиркорлик субъектининг умумий қиймати 840 млн. АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот ва хизматлари экспорт қилинди.

1774 тадбиркорга ташқи бозорларни ўрганиш, жумладан, 140 тадбиркорга хориждан ишончли ҳамкор топилган амалий ёрдам кўрсатилди. 271 нафар ишбилармоннинг хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашиши таъминланди. 327 тадбиркорга экспорт шартномалари тузиш ва уларни тегишли банкда рўйхатга қўйишда амалий ва ҳуқуқий кўмак берилди. 27 тадбиркорга сугурта полиси орқали маҳсулотларини экспорт қилиш, 50 дан ортиқ корхонада халқаро стандартларга асосан сифат менежменти тизимини босқичма-босқич жорий этиш ишларига кўмаклашилди. — Жаҳон бозоридан маҳсулотларимизга бўлган талабни



ўрганиш мақсадида Европа, МДҲ ва Форс кўрғазми мамлакатлари, Корея Республикаси, Япония, Сингапур савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилган, — дейди жамғарма директори вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Мустафоев. — Чунончи, жамғарма кўмагида тадбиркорлар хорижий давлатларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиб, харидорлар топиш ва шартномалар тузиш, экспорт жүрғофиясини кенгайтиришга муваффақ бўлишмоқда. Жумладан, 2014 йилда 80 дан ортиқ тадбиркор

Германия, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатларда ўтказилган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этди. Уларда қатнашиш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш мақсадида жамғарма томонидан 82 млн. сўмга тенг молиявий кўмак кўрсатилди. Натижада маҳсулот ва хизматлар экспорти бўйича умумий қиймати 67 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматларнинг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармасининг келгусидаги устувор вазифалари белгилаб олинди.

ИЖТИМОЙ ЭЪЛОН

Диққат, танлов! «ЭЪТИРОФ»

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди матбуот ҳамда интернет нашрларида жамият ҳаётида кечатган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савида ёритилган материаллар қўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, жамият янгилинидаги жараёнларни ёритиш, дунё ахборот майдонидан муносиб ўрин эгаллаш, рақобатбардosh бўлиш, ОАВ нуфузини ошириш ва журналистларнинг касбий маҳорати ўсишига кўмаклашиш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари журналистлари, шунингдек, блогерлар ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов номинациялари:

- энг яхши босма ОАВ журналисти;
- энг яхши йил фотосуратчиси;
- йил дебюти (илк бор ўзини танитган);
- энг яхши тармоқ ОАВ журналисти;
- энг яхши йил блогери;
- энг яхши ҳудудий газета.

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари

Тақдим қилинган ижодий ишлар 2014 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 январигача босма ва интернет нашрларида чоп этилган бўлиши керак. Ғолиблар қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

- мавзунинг жамиятда аҳамиятга моликлиги, долзарблиги ва материал мазмуни;
 - ёритишдаги маҳорат;
 - материални тақдим этиш шакллари ва янгилиги, ўзига хослиги ва ифодалилиги.
- Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли идоралар вакилларидан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади.
- Ижодий ишларга муаллиф тўғрисидаги (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.
- Танловда қатнашиш истагини билдирган тахририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

Ғолибларни тақдирлаш

Танлов ғолиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади. Танловда қатнашиш учун аризалар 2015 йил 4 февралгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент ш. А.Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51

www.mmf/uz, E-mail: fonduz@umail.uz

Диққат, танлов! «ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлари, ахборот агентликлари журналистлари ҳамда фотожурналистлари учун «Жамият ва мен» танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар аниқ йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов йўналишлари

- энг яхши ёритилган «ижтимоий мавзулар»;
- энг яхши ёритилган «иқтисодий мавзулар»;
- энг яхши ёритилган «тарихий ва маданият мавзулари»;
- энг яхши ёритилган «сиёсий мавзулар»;
- энг яхши ёритилган «ҳуқуқий мавзулар»;
- энг яхши ёритилган «илмий-техника мавзулари»;
- энг яхши ёритилган «спорт мавзулари»;
- энг яхши ёритилган «ижтимоий шериклик мавзулари»;
- энг яхши ёритилган «жамоатчилик назорати мавзулари».

Махсус номинациялар:

- «Ўз замонасининг қаҳрамони» мавзусида энг яхши материал;
- «Янги авлод» мавзусида энг яхши материал.

Танлов шартлари

Тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларида 2014 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 январига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисидаги (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танловга материаллар 2015 йилнинг 4 февралгача қабул қилинади.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хосли, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, ноутбук, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материал ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва мен танлови» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида қуйидаги манзилга жўнатилади: Тешкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf/uz, e-mail:fonduz@umail.uz.

Ташкилий қўмита.

РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ «ИНГЛИЗ ТИЛИ» КАФЕДРАСИ ЖАМОАСИ БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАҚБОД ЭТАДИ.



Икки триллион тонна муз эриди

Жаҳон метеорология ташкилотининг маълумотларига қараганда, сайёрамизда ҳарорат ўртача 7 даражага кўтарилса, Ер юзининг тенг ярми ҳаёт учун яроқсиз қолга келади. Айрим унумдор ерлар чўлланишга юз тутса, бошқалари сув остида қолади

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Кейинги йилларда қутилмаган иқлим ўзгаришларига кўникиб қолдик. Одатда киш бўлмайдиган Африкада ўттиз сантиметр қалинликда қор ёққани, шимолий ўлкаларда ҳаво ҳароратининг исиб кетиши сингари ғайриодатий ҳолатларга ажабланмай қўйдик.

Шундай бўлиши табиий. Чунки минглаб саноят корхоналаридан атмосферага чиқаётган углеводород ва газ миқдори йил сайин ортиб борапти. Оқибатда сайёрамизда кучли «иссиқхона ҳодисаси» юзага келиб, етти ухлаб тушимизга кирмаган иқлим ўзгаришлари содир бўлмоқда. Жаҳоннинг кўплаб ҳудудларида табиий мувозанат издан чиқа бошлади.

Осиё ва Африка мамлакатлари қурғоқчиликдан азият чекаётган бўлса, ёз мавсумида мўътадил иқлим кузатиладиган шимолий нуқталар, хусусан, Арктика кенгликлари, Россия, Канада, Норвегия каби мамлакатларда ҳаво ҳароратининг илқ келиши асрлар мобайнида тош қотган музликларнинг эриши, сув тошқинларининг кўпайишига сабаб бўлапти.

Олимларнинг таъкидлашича, икки қутбда ҳам муз қатламлари жуда тез эриётди. Чунки, сўнгги беш йил ичида икки триллион тоннадан зиёд муз сувга айланди. Биргина Гренландияда эриган муз суви билан Байкал кўлини тўрт мартаба тўлдириш мумкин экан.

Ҳа, бугун инсоният тасаввур қилиш мушкул бўлган иқлим ўзгаришлари оstonасида турибди. Юқорида тилга олинганидек, ҳарорат 7 даражага кўтарилса, абадий музликларнинг эриб, ўрмонларнинг қуриб қолиши, 60 фоиз денгиз жониворларининг қирилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Иқлим ўзгариши муаммолари бўйича давлатлараро комиссия маълумотларига қараганда, денгиз сатҳининг ўртача 28-43 сантиметр кўтарилиши оқибатида курраи заминимизда кучли тўфонлар юз бериши, XXI асрнинг иккинчи ярмида Арктиканинг умуман йўқ бўлиб кетиши эҳтимоли мавжуд.

Энг даҳшатлиси, глобал исий

натижасида экологиянинг бузилиши бедаво касалликлар сонининг ортишига олиб келаётди. Қуролпашига ружу қўйиш, атом, кимёвий ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва синаш ҳам инсоният яшайдиган муҳитнинг ифлосланиши, табиий офатларнинг кўпайишига сабаб бўлаётгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Халқро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи хулосаларига кўра, иқлим ўзгариши туфайли

СўНГИ БЕШ ЙИЛ ИЧИДА ИККИ ТРИЛЛИОН ТОННАДАН ЗИЁД МУЗ СУВГА АЙЛАНДИ. БИРГИНА ГРЕНЛАНДИЯДА ЭРИГАН МУЗ СУВИ БИЛАН БАЙКАЛ КЎЛИНИ ТЎРТ МАРТАБА ТЎЛДИРИШ МУМКИН ЭКАН

тропик ўрмонлар кескин камайиб, ноқонуний уюштирилаётган овлар туфайли Ер юзидаги маймунларнинг учдан бир қисми қирилиб кетган. Рақамлар тили билан гапирганда, уларнинг 394 туридан 114 зоти йўқолиш арафасидадир. Энг ёмони — иқлим ўзгариши туфайли ҳар йили 300 мингдан зиёд инсон ҳаётдан кўз юмаётди. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 500 мингга етиши кутилмоқда. Йилига 325 миллион кишининг соғлиғига путур етаётгани янада ачинарлидир.

Табиатнинг ўз мувозанатини сақлашга уриниши ёввойи тарзда кечади ва уни бошқариб бўлмайди. Қутилмаган аномал ҳолатлар жаҳон иқтисодиётига ҳам жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан дунё иқтисодиёти йилига 130 миллиард АҚШ долларини миқдорда зарар кўраётди. Соҳа мутахассислари 2030 йилга бориб бу кўрсаткичнинг 400 миллиард долларга етиши мумкинлигини таъкидламоқдалар.

АҚШ ва Европа мамлакатларида ўтган йили қаҳратон киш бор инжиқликларини намён этгани барчани ҳайратга солди. Ҳатто улкан Ниагара шаршараси оқиб турган жойида музлаб, айсбергга айланиб қолди. Қаттиқ совуқ ва

ёгингарчилик кўплаб аҳолининг умрига зомин бўлди. Ҳаво ҳарорати минус 40 даражага тушиб кетгани биргина АҚШ иқтисодиётига 5 млрд. доллар зиён етказди. 2014 йилнинг декабрь ойи ҳам табиий офатларсиз ўтмади. Ушанда Шанхайни қоплаган куюқ туман бир ҳафта давом этган бўлса, Австралияда ҳаво ҳаддан ортик исиб кетди. Ҳарорат рекорд кўрсаткич — 46 даражага кўтарилди. Квинсленд штатида ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича 43 даражага

«Яшил қитъа»да бундай ҳолат бир асрдан буюн кузатилмаган экан. Австралия қўтқарув хизматининг маълум қилишича, бир неча кун давом этган ёгин тўрт миң квадрат километрдан зиёд майдондаги ўрмоннинг қилини кўкка совурган.

Иқлимнинг бундай исийшига одамлар сабабчиси ёки қуёш фаоллиги, деган саволга жавоб изланаётган бир пайтда БМТ хузуридаги иқлим ўзгаришини ўрганиш ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи XXI аср охирига бориб Ердаги ўртача ҳарорат одатдагидан 6,4 даража исийи бўлишини таъкидламоқда. Денгиз сатҳи ярим метр кўтарилиб, сув қирғоғидаги ҳудудлар, жумладан, Нью-Йорк, Амстердам, Шанхай, Калькутта сингари шаҳарлар сув остида қолиши мумкин.

Демак, яқин ўн-ўн беш йил ичида инсониятнинг иқтисодий ва исийи ҳаётида вазиятни об-ҳаво белгилашига шубҳа йўқ. Шу боис барча мамлакатлар ҳар эҳтимолга қарши хавфсизлик чораларини



қўриб қўймоқдалар. Масалан, немис олимлари иқлим ўзгариши натижасида Германия иқтисодиётига етказилмаган зарар миқдорини километрдан зиёд майдондаги ўрмоннинг қилини кўкка совурган.

Бугунги кунда дунё миқёсида экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган БМТ конвенцияси ва Киото протоколи каби халқро ҳужжатларда белгиланган вазифалар — иқлимга антропоген омилларнинг таъсирини анқлаш, «иссиқхона ҳодисаси»ни ҳосил қилувчи манбаларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Хусусан, Японияда беш йил муқаддам глобал исийишга қарши курашишга қаратилган янги қонун қабул қилинган. Унга мувофиқ, саноат корхоналаридан тортиб, дўкон ва меҳмонхоналарга 2020 йилдан ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар 15-20 фоизга қисқартирилиши лозим.

Канада ҳукумати ҳам ҳавога чиқарилаётган ва табиий му-

возанатни бузадиган газларни камайитиришга оид махсус лойиҳани амалга оширмоқда. Ушбу ҳужжатда нефть кимёси санояти корхоналари ва иссиқлик электр станциялари ҳавога чиқараётган зарарли газларнинг муайян миқдорини йиғиш, улардан қайта фойдаланиш кўзда тутилган. Лойиҳанинг асосий мақсади 2020 йилгача зарарли газлар ҳажминини 20 фоиз қисқартиришдан иборат. Афсуски, ҳали кўплаб давлатлар бу муаммага бепарволик, совуқонлик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётди. Хусусан, зарарли моддаларнинг атмосферага чиқарилишини камайитиришга қаратилган Киото протоколини айрим йирик саноятлашган давлатлар ҳанузгача имзоламаган.

Шу ўринда дунё олимлари глобал исийишга қарши курашишнинг янги усулларини яратиш устида муттасил илмий тадқиқотлар олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Соҳа мутахассисларининг фикрича, бунда селекция йўли орқали ўсимлик барглари ялтироқ тусга киритилади. Ана шундай барглр эса қуёш

нурларини қайтариш хусусиятига эга. Ушбу усул экинлар альбедосини (нурни қайтариш хусусияти) 20 фоиз ошириш имконини беради ва сайёрамизда ҳароратни бир даражага тушириш имкониятини юзага келтиради. Бироқ бошқа экспортларнинг сўзларига кўра, ўсимликларни бу тарзда модификация қилиш ҳосил унумдорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Баъзи олимлар сайёрамиздаги барча уйларнинг томларини оқ ранга бўяш ҳам глобал исийишга қарши курашишга хизмат қилиши мумкинлигини айтмоқдалар. Уларнинг таъкидлашича, агар дунёдаги юзга яқин катта шаҳарлардаги барча иморатларнинг томи оққа бўяб чиқилса, ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар 44 млрд. тоннага қисқаради.

Мана шундай шароитда айрим олимларнинг 2037 йилгача Калифорния кучли ероти силкиниши натижасида деярли вайрон бўлишини башорат қилаётгани кўпчиликини хавотирга солаётди. Ҳисоб-китобларга кўра, яқин 30 йил ичида юз бериши мумкин

бўлган 6,7 балли зилзиланинг АҚШ ғарбий қирғоқларини вайрон қилиш эҳтимоли 99,7 фоизга тенгдир. Ушбу шов-шувли тахминда кўра, Қўшма штатларнинг жанубий ҳудудларида йилига 10 мингга яқин силкинишлар юз беради. Агар ушбу хулосалар тўғри чиқса, Калифорния 150 млрд. доллар атрофида ёки Исроилнинг бюджетига тенг миқдорда зарар кўради. Бундай хулосалар эса ҳеч ким, ҳеч қайси давлат экологияни асрашдек муҳим жараёндан четда турмаслиги кераклигини англаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, глобал иқлим исийи алақачон минтақавий доиралардан чиқиб, башариятнинг умумий муаммосига айланган. Шундай экан, инсоният биосферага қўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, уни бутун сайёра кўламида ҳал қилиш зарур. Акс ҳолда инсон она табиатнинг ёзилмаган қонунлари олдида ожиз бўлиб қолаверади.

Эсингиздан чиқарманг, бугунгача икки триллион тонна муз эриди...

Ў ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР

Илк бор аёл киши



Авал хабар берганимиздек, Хорватияда президент сайловининг иккинчи тури бўлиб ўтди. Унда амалдаги президент, 57 ёшли социал-демократ Иво Йосипович мухолифатчи партия номзоди, 46 ёшли Колинде Грабар-Китаровичга имкониятни бой берди. Давлат сайлов комиссияси тарқатган маълумотларга қараганда, Грабар-Китарович сайловчиларнинг 50,4 фоиз овозини олган бўлса, Йосипович 49,57 фоиз овоз тўплади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур президент сайлови Хорватия тарихидаги олтинчи сайлов бўлиб, мамлакат мустақилликка эришган 1991 йилдан буюн биринчи марта аёл киши давлат раҳбари этиб сайланди.

Уч миллиард долларга қисқартирилади

«Coca-Cola» корпорацияси яқин ойлр ичида харажатларни қисқартириш дастури доирасида камида 1,6 миң нафар ходимини ишдан бўшатишни маълум қилган. Айни пайтда қисқартириш дастурига тушган ходимлар ишдан бўшатилиши ҳақида огоҳлантирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, компания мутасаддилари ўтган йилнинг октябрь ойида 2019 йилга қадар йиллик харажатларни 3 млрд. долларга қисқартириш дастури бошланганлигини эълон қилган эди. Бунинг боиси ёз мавсумидаги соф даромад 14 фоизга камайгани билан изоҳланган.



Карачидаги эҳтиётсизлик



Покистоннинг Карачи шаҳри яқинида йўловчи автобуси ва бензин ташувчи автоуловнинг тўқнашуви оқибатида 57 киши ҳалок бўлган. Автобусда 70 нафар йўловчи бўлган. Уларнинг 4 нафари автобуснинг том қисмида келаётгани ва хавфни сезиб ундан саргаганлиги туфайли омон қолган, 9 киши эса оғир тан жароҳати олган. Карачи шаҳри полицияси раҳбари Шохиб Сиддиқнинг таъкидлашича, йўл транспорт ҳодисасига ёқилги ташувчи машина ҳайдовчисининг эҳтиётсизлиги сабаб бўлган. Маълумотларга қараганда, 2013 йилда Покистон йўлларида 8,8 миңга йўл-транспорт ҳодисаси кузатилган. Бунинг оқибатида 4,6 миң одам ҳаётдан кўз юмган ва 9,8 миң киши жароҳатланган.



Шенген шартномасига янгича муносабат

Хабарларга қараганда, Испания ҳукумати Шенген шартномасига тузатиш киритиш ва мамлакатлараро чегара назоратини жорий этиш зарур деб ҳисобламоқда. Бу ҳақда мамлакат ички ишлар вазири Хорхе Фернандес Диас маълум қилган. Мазкур қарор террорчилар ва бошқа жиноятчиларнинг ҳаракатини янада яхшироқ кузатиб, назорат қилиб боришда қўл келиши таъкидланмоқда. Вазирининг сўзларига кўра, агар чегарадан ўтаётган фуқаронинг террорчи эканлигига асосли шубҳа туғилса, текширув ишлари олиб борилади. Ўз навбатида, Италия таши ишлар вазири Паоло Жентило террорчилик таҳдиди ўсиб бораётгани муносабати билан Шенген шартномасига ўзгариш киритиш ва ундан воз кечиш хато бўлишини таъкидлаган. «Чунки бу бизга ҳаракатланиш эркинлигини тақдим этган. Террорчиларни деб ушбу эркинликдан воз кечадиган бўлса, бузғунчиларга янада катта имконият яратиб берамиз», — дейди Италия ТИВ раҳбари.

Ў РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш молиялаштириш фонди

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг лойиҳа гоъларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг лойиҳа гоълари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорлик ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоълар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа гоълари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратosh кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.

Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

Ў ХИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ХИҚМАТДИР ДУНЁ!

Одамгарчилиги бор мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсдан бошқасига эъғалик қилмайди.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

Бир вақтлар китобларнинг тақчиллиги илмнинг ўсишига зиён етказар экан. Ҳозир эса унинг кўплиги одамни гаранг қилиб, шахсий мулоҳаза юритишининг халал беради.

ВЕБЕР.

Ассосиз иш, нимага қаратилганидан қатъи назар, доимо инкироз билан тугайди.

ГЁТЕ.

Эркинлик — бу ёлғон гапирмаслик ҳуқуқи.

Албер КАМЮ.

Гап қанча яхши бўлса, у шунча қиска бўлади.

Абдулла ҚАҲҲОР.

Ў zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши партиянинг Бекобод шаҳар кенгаши раиси Феруза Карабаевага акиси **Музаффар УСМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади.

СЎНГГИ САҲИФА

Маҳорат ва жасорат мактаби

МҲСК аъзолари XXXI ёзги Олимпия ўйинларига қизгин тайёргарлик кўришмоқда

Фахриддин НУРАЛИЕВ,
«XXI asr»

Халқаро майдонда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни ўзининг асосий мақсади деб билган, бу йўлда тинимсиз изланиб, жисмонан ва руҳан тобланган ҳарбий спортчиларимизнинг нуфузли мусобақалардаги ютуқлари барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли миллий армиямиз сафида ҳар томонлама соғлом, чуқур билимга эга аскарлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) мард ва жасур ҳарбий спортчиларни тарбиялаш орқали бу хайрли ишга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда мазкур клубда 600 нафардан зиёд йигит-қиз спортнинг дзюдо, бокс, кураш, эркин ва юнон-рум кураши, енгил ва оғир атлетика, таэквондо (WTF), теннис, байдарка ва каноэда эшак эшиш, сув полоси, баскетбол, ўқ отиш, армрестлинг, қўл жанги, автоспорт бўйича тажриба ва малакасини оширмоқда. Машғулот жараёнлари МҲСК тизимида фаолият юритаётган иқтидорли мураббийлар раҳбарлигида барча шароитларга эга замонавий спорт мажмуаларида олиб борилмоқда.

Клубнинг спорт федерациялари билан яқин ҳамкорликда иш юритаётгани эса ўқув-машғулот йигинларини юқори савияда ташкил этиш имконини бермоқда. Натижада ҳарбийлар қатор спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларимиз таркибида жаҳон ва қитъа чемпионтлари, Олимпия ва Осиё ўйинларида яхши натижаларга эришишга эришмоқда.

— Ҳарбий спортчиларимиз 2014 йилги мавсумда жами 856 медаль жамғаришди. Шулардан 189 таси халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда қўлга киритилди, — дейди МҲСК бошлиғи ўринбосари, подполковник Уйғун Сиддиқов. — Айниқса, Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида эришган натижаларимиз салмоқли бўлди. Мазкур мусобақада 44 нафар вакилимиздан 18 нафари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Таэквондочи Жасур Бойқўзиёев, каноэда эшак эшиш бўйича Вадим Меньков ва енгил атлетика бахсларида Екатерина Воронина шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, қитъада тенгсиз эканини исботлагани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

— Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш, давлатимиз байроғини доимо баланд тутиш бизнинг ҳам спортчи, ҳам офицер сифатидаги муқаддас бурчимиздир, — дейди Олимпия ўйинлари бронза медали совриндори, икки карра жаҳон чемпиони, катта лейтенант Ришод Собиров. — Бу туйғу бизга ғайрат-шижоат бағишлайди, янги-янги ғалабалар сари руҳлантиради.

Нуфузли беллашуларда қўлга киритилаётган ютуқларда XVII Осиё ўйинлари ғолиби Жасур Бойқўзиёевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У айни пайтда 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Яна бир ҳарбий спортчи — Уйғун Сиддиқовнинг таъкидлашча, 2015 йилги мавсум янада қизгин кечади. Чунки жорий йилда Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа миқёсда ўтказиладиган турнирлар навбатдаги Олимпиадага муҳим тайёргарлик вазифасини ўтайди. Шу боис МҲСК аъзолари мусобақаларга хозирдан пухта тадорикни бошлашган. Мақсад битта. У ҳам бўлса, 2016 йилги Олимпия ўйинларида Ватанимизнинг спорт соҳасидаги салоҳиятини шараф билан намоён этишдир.



ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Хайробо» маҳалласида яшовчи Баҳромбек Ибрагимов 81 ёшни қаршилаган бўлса-да, яқинлари таниш-билишлар уни тетик, сергайрат, ишдан ҳеч қачон қочмайдиган, тиниб-тинчимас инсон, деяр таърифлайдилар. Зеро, 50 йилдан ортқ вақт мобайнида деҳқончилик ва богдорчилик билан шуғулланган отахон ҳалол меҳнат ила оила боқиб, эл орасида обрў-эътибор қозонди.

— Ҳозир том маънода қарилки гаптини сураяман, десам адашмайман. Фарзандларим уйли-жойли, ҳовлини бўлди. Ўзинга умра сафарига бориб келиш масаб этди, — дейди отахон. — Айниқса, бу йилнинг Кенсаларни эъзолаш йили, деб эълон қилиниши биз қариларга янама куч-қувват бахш этди. Нуроний инсон сифатида маҳалладошларига турли масалалар бўйича ёрдан беришсин ҳам қарз, ҳам фарз деб билган отахон турмуш урғуси Мукамбар аз билан етти ўғил, бир қизни тарбиялаб воляга етказишди. Айни кунда улар турли соҳаларда фаолият кўрсатишмоқда. 26 январга ва 23 эвара овоз юртнинг обод оиласи вакиллари сифатида камол топапти.



Солтқ. ЭОИР олган сурат

Кўхна бозорнинг кўркам қиёфаси

«Сиб» бозори Самарқанднинг энг гавжум манзилларидан бири. Кейинги йилларда реконструкция қилинган, бутунлай янгича қиёфа касб этди. Кўримсиз дўконлар ўрнида замонавий супермаркет ва павильонлар қурилди. Савдо нуқталари сони кўпайтирилиб, бозор атрофи кўкаламзорлаштирилди. Энг муҳими, маҳаллий ва хорижлик харидорларга сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

— Илгари сотувчилар мингга яқин савдо ўрнида фаолият кўрсатишган бўлса, бугун уларнинг сони икки мингга яқинлашди, — дейди «Сиб» бозори» МЧЖ раис ўринбосари Яшин Жамолиддинов. —

Бунга янги павильон бунёд этиш ҳамда эскиларини қайта таъмирлаш ҳисобига эришилди.

Ўз навбатида байрамлар олгидан бозор худудидида ярмаркалар ташкил этиш аниъанага айланган. Чунончи, янги йил арафасида Самарқанд ҳамда Каттақўрғон туманлари миришкорлари томонидан етиштирилган қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда харидорларга сотилди.

— Мен бозор яқинидаги маҳаллада туғилиб ўсганман, — дейди «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд шаҳар жамоатчилиги бўлими раиси Хамиза Шукурова. — Олдин тadbirkorлар маҳсулотини ерга қўйиб сотишарди. Эндилда улар тоза ва озода жойларда хизмат қилишмоқда. Аввалги тартибсизликлар барҳам топган. Эски емаксоналар ўрнини замонавий кафелар эгаллади. Бу нафақат маҳаллий аҳоли, балки етти иклимдан таширф буюрувчилар учун ҳам қулайдир.

«Сиб» бозорининг эътиборли манзили — машҳур Самарқанд нонлари ва ширинликлари павильони доимо



одамлар билан гавжум.

— Оила аъзоларимиз билан 35 йилдан бери новвойлик қилиб келамиз, — дейди Санталат Давронова. — Тайёрлаган нонларимизни шу бозорда сотамиз. Меҳнатимиз орқасидан уйлар қурдик, тўйлар қилдик. Фарзандларимиз бахтидан қувониб яшапмиз. Айтишим мумкинки, бундай серфайз бозор бахтли яшашимизга замин бўляпти.

МУТОЙБА

Сериял тугагандан кейин хотин эридан сўради:

— Йигитни кўрдингизми, қизни қанчалар севар экан. Сиз ҳам шундай сева оласизми?
— Ҳа, чиройли қиз экан, севса арзийди. ***

Мезбон меҳмондан сўрапти:

— Сизга ҳам кўзқорин солиб берарми?
— Йўқ. Мен фақат уларни теришни ёқтираман.
— Уда мен кўзқоринларни полга сочаман. ***

— Мен ҳам отамга ўхшаб минг доллар маош олишни орзу қиламан.

— Нима, отанг минг доллар маош олардим?
— Йўқ, у ҳам шунга орзу қиларди. ***

Дўкондаги эълондан:
«Сочингиз тўқилатимми? Уни асрамоқчимисиз? Марҳамат қилинг! Бизда сочингизни асраш учун чиройли кутилар бор». ***

— Ичиш, чекишни ташланг! Унга кетадиган пулга нималар сотиб олишни биласизми? — деди хотин эрига.
— Биламан, сенга тилла тақинчоқлар, янги пальто, менга эса ҳеч вақо!
ФАХРИДДИН тайёрлади.

ГАЛАТИ БИЗНЕС ВА ФАРОЙИБ ЭКСПЕРТ

Колумбия аҳолиси қадимдан «Atta laevigata» туридаги чумолиларни истеъмол қилиш, қовуриш ва тузлашдан ташқари улардан соус тайёрлашган. Ҳукумат эса яхшигина даромад манбаи бўлган чумоличилик фермаларини қўллаб-қувватламоқда. Колумбия ҳар йили турли мамлакатларга 400 килограмдан ортқ шундай маҳсулот экспорт қилади. Чумолиларда фойдали оқсил моддаси мавжудлиги галати бизнесни келтириб чиқарган.

Кайман оролларида тошбақани ширин гўшти учун овлашаркан. Унинг тухуми эса маҳаллий аҳолининг сеvimли таомларидан биридир. Бугун тошбақа етиштиришга ихтисослашган кўп қабат фермер хўжаликлари бор. Уларни овлаш ва ўлдиришга қарши махсус қонун қабул қилинган, вазият ижобий томонга ўзгарди. Лекин тошбақачилик Кайманда нафақат тансиқ гўшт етиштирадиган, балки яхшигина сармоя келтирадиган соҳа бўлиб қолмоқда.



АҚШ дунёда шиллиқуртлар экспорти бўйича етакчи давлатлардан биридир. Тирик, музлатилган, қуритилган шиллиқуртлар ҳолистириндан мутлақо холи бўлиб, инсон организми учун зарур аминокислоталар ва витаминларга бой. Маълумотларга қараганда, Ер юзиде йилига 100 минг тонна шиллиқурт гўшти истеъмол қилинади.



Хитойда илон гўштига эътибор ўзгача. Бу ерда уни турфа усулда пишириб истеъмол қилишади. Биргина Жижико қишлоғидаги маҳаллий аҳоли 4 миллион донда илон боқади. Илон гўшти, қони, ҳатто захри турли мамлакатларга экспорт қилинади. Удабурон хитойликлар суварак етиштирувчи махсус фермаларни ҳам ташкил этишган. Ҳозирда аҳолиси 1,5 миллиардга яқинлашган Чин юртида суварак оқсилдан турли бўёқлар ҳамда дори-дармонлар тайёрланади. Фермалардаги сувараклар узунлиги 4-5 см. ни ташкил қилади.

Севара АЗИМОВА тайёрлади.

Эл соғлиги — туман бойлик

Кармана озиқ-овқат саноати ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежида O'zLiDeP Навоий вилояти кенгаши Аёлларнинг сийёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан вилоят ОИТСга қарши кураш маркази, «Она ва бола скрининги» маркази, «Саломатлик» институтининг Кармана туман филиали ҳамда Силга қарши кураш диспансери шифокорлари иштирокida «Гибевандлик, алкоголизм, чекиш, ОИТС сингари ижтимоий хавфли касаллик ва зарарли иллатларга қарши курашишда оила, маҳалла ҳамда таълим муассасаларининг ҳамкорлиги» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тadbирда таъкидланганидек, мамлакатимизда соғлом оилаларни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш фертил ёшидаги аёлларни диспансеризация ва никоҳланувчи ёшларни тиббий кўридан ўтказиш, айрим ирсий ва юқумли касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш, шунингдек, ногирон фарзандлар дунёга келишининг олдини олиш имконини бераётди.

Хотин-қизлар ўртасида «Соғлом она — соғлом бола» шiori остида тарғибот-тушунтириш ишларининг ташкиллаштирилиши эса аҳолининг тиббий саводхонлиги ва маданиятини оширишга кўмаклашмоқда.

Мансур АСЛОНОВ.

Хунарманд музейи

«Хунарманд» уюшмаси Маргилон шаҳар бўлими томонидан миллий хунармандчилик марказида музей ташкил этилди.

Унда хунармандчиликка оид 200 дан зиёд маҳсулот, чунончи, атлас, адрес, беңасам, баҳмал, шойи, ушбу матолардан тикилган миллий либослар, эркаклар ва аёллар дўппилари, ипақдан ва жундан тўқилган гиламлар, мисгарлик ва заргарлик буюмлари, каштачиликдан намуналар, ёғочдан тайёрланган дурадгорлик намуналари мавжуд.

Музей хунармандчиликка тааллуқли китоблар, йўриқномалар, хужжатлар, суратлар, турли экспонатлар билан бойитилган.

— Маргилон хунармандлари томонидан яратилган маҳсулотлар музейга таширф буюрган хорижлик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди O'zLiDeP шаҳар кенгаши раиси, «Хунарманд» уюшмаси бўлими раҳбари Расулжон Мирзааҳмедов. Муҳаммадjon МАХМУДОВ.

3AZ FORZA

Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.